



e-ISSN:2582-7219



INTERNATIONAL JOURNAL OF MULTIDISCIPLINARY RESEARCH IN SCIENCE, ENGINEERING AND TECHNOLOGY

Volume 5, Issue 5, May 2022



INTERNATIONAL
STANDARD
SERIAL
NUMBER
INDIA

Impact Factor: 7.54



6381 907 438



6381 907 438



ijmrset@gmail.com



www.ijmrset.com



Cluster Method and Advantages of Educational Activity

Musurmonov R.¹ Rasulov Akbar Nomozovich², Kholmuminov Gofur Bobonazarovich³

Chirchik State Pedagogical Institute, Associate Professor of "Pedagogy and Management", Ph.D, Uzbekistan¹

Senior Lecturer, Department of Pedagogy and Management, Chirchik State Pedagogical Institute, Uzbekistan²

Teacher of "Interfaculty Social Sciences" department of Chirchik State Pedagogical Institute, Uzbekistan³

ABSTRACT: The article discusses the theoretical foundations of educational activity, offers suggestions and recommendations for improving the mechanisms of effective use of the cluster method of education of a harmonious personality.

KEYWORDS: modern laws of education and upbringing, perfection of personality, perfect person, noble intentions, noble word, noble activity, social knowledge, aesthetic and spiritual perfection, self-awareness, rules of education scientists of the East and Central Asia, cluster education.

ТАРБИЯВИЙ ФАОЛИЯТДА КЛАСТЕР УСУЛИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ ХУСУСИДА

Мусурмонов Р.¹

Чирчиқ давлат педагогика институти “Педагогика ва менежмент” кафедраси доценти, п.ф.н.¹

Расулов Акбар Номозович²

Чирчиқ давлат педагогика институти “Педагогика ва менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси.²

Холмуминов Гофур Бобоназарович³

Чирчиқ давлат педагогика институти “Факультетлараро ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси.³

Аннотация: Мақолада тарбиявий фаолиятнинг назарий асослари тўғрисида фикр юритилиб, баркамол шахсни тарбиялашнинг кластер усулидан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш ҳақида таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч сўз ва иборалар: таълим-тарбиянинг замонавий қонуниятлари, шахс камолоти, комил инсон, эзгу ният, эзгу сўз, эзгу фаолият, ижтимоий билим, эстетик ва маънавий баркамоллик, ўзликни англаш, тарбия қоидалари Шарқ ва Марказий Осиё Алломалари, кластер усулида тарбиялаш.

Аннотация: В статье рассмотрены теоретические основы воспитательной деятельности, даны предложения и рекомендации по совершенствованию механизмов эффективного использования кластерного метода воспитания гармоничной личности.

Ключевые слова: современные законы образования и воспитания, совершенство личности, совершенный человек, благородные намерения, благородное слово, благородная деятельность, социальные знания, эстетическое и духовное совершенство, самосознание, правила воспитания ученые Востока и Центральной Азии, кластерное воспитание.

Abstract: The article discusses the theoretical foundations of educational activity, offers suggestions and recommendations for improving the mechanisms of effective use of the cluster method of education of a harmonious personality.

Keywords: modern laws of education and upbringing, perfection of personality, perfect person, noble intentions, noble word, noble activity, social knowledge, aesthetic and spiritual perfection, self-awareness, rules of education scientists of the East and Central Asia, cluster education.

1. Тарбиявий фаолият жараёнининг ўзига хос хусусиятлари

Педагогика фанининг предмети ўқитишнинг, таълим-тарбиянинг замонавий қонуниятлари, мазмуни, усуллари, воситалари билан кишиларни, ёшларни, мутахассисларни қуролантирувчи фан бўлганлиги учун, унинг методологик асослари, мақсад ва вазифалари дунёнинг моддий-маънавий ривожига шахс камолоти ўйғунлиги қонуниятлари ва давлатнинг замонавий сиёсатидан келиб чиқади.



Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонунида таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиётида устивор деб эълон қилинганлиги қатта воқеа бўлди.

Дунёда биринчи бор инсонни диққат эътибори уни ўзлигини англашга қаратилди. Ўзлигини англаш биринчидан, унинг озод, эркин, нодир, улуғ сиймолигини англаш ва ўзида унга амал қилиш сифатларини шакллантириб бориш бўлса, иккинчидан унинг ўзига хос миллий-инсоний асосларини англаш ва уларга амал қилишдан иборатдир.

Юқорида санаб ўтилган икки жиҳат комил инсон сифатининг асосини ташкил этади. Чунки комил инсон сифатларини тарбия соҳасидаги илмларини хулосалаб, мужассамлаштирса, улар асосан:

1. Эзгу ният, фикр;
2. Эзгу сўз, хушмуомилалик;
3. Эзгу иш, эзгу фаолиятдан иборатдир.

Тарбия ҳар доим маълум мақсадларга қаратилади. Айни замонда бу мақсадларни қуйидагича изоҳлаш мумкин.

1. *Шахснинг атрофдаги оламга ва ўз-ўзига бўлган муносабатини шакллантириши.* Бундай тарбия натижасида инсон атрофдаги олам, жамият ва бошқа инсонлар билан ўзаро муносабатларининг характерини тасаввур қилади, ўзининг индивидуал, ақлий-билиш, ҳиссий-иродавий, коммуникатив хусусиятлари ва хулқ-атворини тўғри англайди, жамиятда ўз ўрнини билади.

2. *Ҳар томонлама ривожланган баркамол шахсни тарбиялаш* – ўзида маънавий бойлик, поклик ва жисмоний баркамолликни намоён этадиган, ўз ахлоқий ва психологик сифатларини рационал намоён этадиган, ҳар хил қийинчиликлар ва муаммоларни енга оладиган инсонни тарбиялашни назарда тутди.

3. *Ижтимоий билимга эга бўлган шахсни тарбиялаш.* Тарбиянинг бу мақсади шахснинг ўз муносабатлари характерини тўғри тушунишга, бошқа инсонлар билан бўлган алоқаларини аддикват баҳолашга ҳамда бошқалар билан низосиз муносабатлар тузишга, жамоада тушунмовчиликка йўл қўймасликка қаратилган.

4. *Инсонни маданият орқали тарбиялаш.* Шахснинг эстетик ва маънавий баркамоллигини шакллантириш, ижодий индивидуаллигини ривожлантириш¹.

Тарбия-таълим жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлса ҳам, таълим жараёнидан ўз хусусиятлари, аниқ вазибалари, ўзига хос функциялари, мазмуни, шакллари ва таъсир этиш усуллари билан фарқ қилади.

2. Тарбиявий фаолият турлари

Тарбия функциялари тарбия жараёнини мазмунининг йўналганлигини таъминлайди. Уларга қуйидагилар киради:

- Ўз-ўзини тарбиялашга ундаш;
- Профилактика;
- Шакллантирувчи, ривожлантирувчи;
- Аниқ масалаларни ечишга бор кучини жамлаш;
- Қайта тарбиялаш.

Тарбия мазмуни унинг мақсади, вазибалари ва мотивларидан келиб чиққан ҳолда тарбия жараёнида тарбия берувчи ва тарбияланувчининг бутун ҳаракатларини ва ўзаро таъсирини ўз ичига олади. Тарбия таълим каби икки томонлама хусусиятга эга бўлган жараёндир. Бу жараён тарбия берувчи ва тарбияланувчиларнинг ўзаро фаол ҳамкорлигида амалга оширилади. Бунда тарбия берувчи тарбия жараёнининг ташкил этувчиси ва раҳбари сифатида намоён бўлади, жараённинг ўзи эса қуйидаги қисмлардан иборат бўлган модел сифатида акс этади.

1. *Тарбия берувчининг таъсири тарбия мақсади ва вазибаларига эришиши учун зарур бўлган ҳаракатлар мажмуи сифатида.*

2. *Тарбия таъсири объекти бўлган ва тарбияловчининг тарбиявий таъсири натижасида маълум бир ўзгартишларни акс этадиган тарбияланувчи шахс.*

3. *Тарбияланувчининг тарбия берувчига муносабати, яъни тарбиявий мақсадларига реакцияси.*

4. *Шахсда шакллантирилаётган сифатлар.*

5. *Мотив, яъни тарбия жараёнида шаклланган ундовчи кучлар.*

6. *Хулқ-атвор, яъни тарбия жараёни ва натижасида шахс томонидан амалга оширилаётган хатти-ҳаракатларнинг ўзига хослиги.*

Гуруҳда ва гуруҳ орқали тарбиялаш қуйидагиларни назарда тутди:

¹Алиев И.Т. Педагогика ва психология. Т.: “Фан ва технология” – 2012. Б. 202-203



- Барча тарбияланувчилар фикр ва ҳаракатларини умумлаштирадиган ва гуруҳ ривожланишини таъминлайдиган гоёлар ишлаб чиқиши;

- Ишлаб чиқилган гоё ва тавсияларни амалиётга тадбиқ этиш механизмини яратиши;

- Шахснинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини аниқ мисоллар орқали сингдириши;

- Миллий гуруҳ, ватанпарварлик гоёларини сингдириши;

- Тарбияланувчиларда ўз жамоасида гуруҳ туйғусини шакллантириши, шахсий манфаатларини гуруҳ манфаатларига боғлаши;

- Салбий ҳодисалар билан курашишга оид билдирилган гуруҳ фикрини қўллаб-қувватлаши.

3. Тарбиявий фаолиятнинг узвийлиги ва узлуксизлиги

Тарбия қоидаси – педагог томонидан таълим ва тарбия жараёнини яхшироқ ташкил этиш мақсадида фойдаланадиган бошланғич ҳолат, раҳбарлик асосидир. Тарбия қоидалари ўқитувчи, тарбиячиларга йўл-йўриқ кўрсатувчи қоидалар ҳисобланиб, янги кишини шакллантириш вазифалари билан белгиланади. Тарбия қоидалари Шарқ ва Марказий Осиё Аллома – донишмандларининг фикрлари ва миллий ўзликни англаш, этно педагогикада эришган намуналарга асосланади. Тарбия қоидалари мустақил характерга эга бўлиб, тарбиянинг ўзига хос хусусиятларини ва қонуниятларини акс эттиради. Тарбиявий жараёнларда бу қоидаларга риоя қилиш унинг самарасини оширади, ижобий натижаларга олиб келади.

Тарбиянинг мазмуни, ташкил этилиши, усуллари ва уларга қўйиладиган талаблар шу қоидаларда ўз ифодасини топади.

Эътироф этиш керакки, тарбиянинг моҳияти, мазмуни, қоидалари мамлакатимизда янгича иқтисодий муносабат – бозор иқтисодиёти шароитларининг ўзгарганлиги сабабли кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда.

Тарбиявий жараёни такомиллаштириш, уни замонага мос равишда, янги иқтисодий тараққиётга жавоб берадиган даражага келтириш учун деярли барча тамойиллар, қоидаларни, усулларни, гоёларни қайтадан кўриб чиқиш, мослаштириш, асосий эътиборни бола шахсига қаратиш, узоқ ўтмиш давомида тўпланган ижобий тажрибалардан кенг ва унумли фойдаланиш зарур.

Тарбия қоидаларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

1. тарбиянинг маълум мақсадга қаратилганлиги, тарбиянинг инсонпарварлик ва демократик қоидаси;

2. тарбияни ҳаёт билан, ижтимоий фойдали меҳнат билан боғлиқлик қоидаси;

3. тарбияда миллий-маданий ва умуминсоний қадриятларнинг устиворлиги қоидаси;

4. тарбияда ўқувчиларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш қоидаси;

5. изчиллик, тизимлилик, тарбиявий таъсирнинг бирлиги ва узлуксизлиги қоидаси ва бошқалар.

Технология - бу шахсни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш қонунларини ўзида жасо қиладиган ва яқиний натижани таъминлайдиган педагогик фаолиятдир.

Натижадорликнинг самарадорлигига эришиш мақсадида илмий-назарий, тажрибавий ва илғор методик потенциалларни бирлаштириш, ижрочи ва ташкилотчилар имкониятларини ўзаро ҳамкорлик асосида уйғунлаштириш ўзининг ижобий натижаларини бераётганлигини ҳам эътироф этмоқчимиз.

Бу борада Чирчиқ давлат педагогика институтида “**Педагогик таълим инновацион кластери: эҳтиёж, зарурат, натижа**” илмий-тадқиқот йўналишининг ташкил этилиши ўзининг дастлабки ижобий натижаларини бермоқда.

Тошкент вилояти узлуксиз таълим тизимидаги таълим-тарбия соҳасидаги мавжуд камчиликларни ўрганиш ва уларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, педагогик таълим йўналишларини мувофиқлаштириш, истиқболни режалаштириш, таълим босқичлари ўртасидаги алоқа ва интеграциянинг сустлиги, таълим субъектлари фаолиятидаги тарқоқлик ҳудудда педагог кадрларга бўлган эҳтиёжнинг қондирилмаслиги ва таълим сифатининг пасайишига сабаб бўлган. Шундан келиб чиққан ҳолда институт Тошкент вилоятида педагогик таълим инновацион кластерини яратиш билан боғлиқ янги тизимни ўзининг устувор стратегик йўналиши сифатида белгилаб олди ва шу тизим асосида муайян ишларни амалга оширди. Ушбу тизим енгил саноат, қишлоқ хўжалигининг қатор тармоқлари ҳамда иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқларида самарали ҳисобланган кластер усулини таълим жараёнига татбиқ этишни назарда тутди. Дарҳақиқат, ишлаб чиқариш тармоқларида хомашёни етиштириш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотга айлантириш ҳамда уни реализация қилиш кетма-кетлиги занжири мавжуд бўлиб, ушбу кетма-кетлик педагогик таълим тизимида ҳам инсон капитали кўринишида мавжуд. Бу эса ишлаб чиқаришда самарали бўлган кластер моделини таълим тизимига жорий этиш назарий жиҳатдан мумкин эканлигини кўрсатади.

Шу мақсадда ёшларни тарбиялаш, уларни баркамол шахслар бўлиб камол топиши муаммоси фақатгина таълим-тарбия муассасаларининг вазифаси бўлиб қолмай, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам долзарб иши бўлмоғи зарур. Оила, таълим муассасаси, маҳалла, ташкилот ва корхоналар ҳам ёшлар тарбиясида ҳамкорлик



қилиш учун бирлашишлари мақсадга мувофиқдир. Маҳалланинг ўз худудидаги оилаларда тарбия топаётган фарзандларнинг тақдирига бефарқ бўлмаслиги, корхона ва ташкилот раҳбарларнинг меҳнат жамоасида меҳнат қилаётган ходимлари фарзандлари таълими ва тарбияси масаласи билан қизиқиши, фарзандларининг намунали хулқи ва аъло баҳоларда ўқиётганлиги учун ота-оналарини имкониятларидан келиб чиқиб, маънавий ва моддий рағбатлантириш, “Ота-оналар доскаси” ни ташкил этиб, улар фото-расмларини қўйиш, аксинча; хулқи “оғишган”, тўполончи, интизомсиз, дарс қолдирадиган, дарс интизомига нисбатан салбий муносабатдаги ўқувчиларнинг ота-оналарига нисбатан жамоанинг таъсирини сездириш каби жихатлар ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этиши шубҳасиз.

Чирчиқ давлат педагогика институтида ташкил этилган “Мактаб лаборатория” ларда олиб борилаётган ишларда институт профессор-ўқитувчилари ва мактаб ўқитувчилари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар эътиборга моликдир. Бундай тадбирлар ўқувчилар ўртасидаги кўнгилсиз воқеаларни олдини олиш, дарс интизомига нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш, охир-оқибат баркамол шахсларни тарбиялашга хизмат қилишига ишонамиз.

REFERENCES

1. Алиев И.Т. Педагогика ва психология. Тошкент – “Фан ва технология”, 2012. 202-209 Б.
2. Ҳамдамова М. Тарбиявий ишлар методикаси. Тошкент – “Фан ва технология”, 2012. 66-100 Б.
3. JuliaG. Thompson. La gestion de classe au secondaire. Ghidpratique. ChenelierEducation. Montreal. 2013. 318 p.
4. Axmedova M. “Pedagogik konfliktologiya” o‘quv-qo‘llanma. – T.: 2005-y. B. 17.
5. Rashidov H., Musurmonov R. “Dars intizomiga salbiy munosabatdagi bolalarga nisbatan konstruktiv ta’sir etishning nazariy asoslari” monografiya. – T.: Noshirlik yog‘dusi nashriyoti, 2015-y
6. R.Musurmonov “Ta’lim sifatini boshqarishga ijobiy ta’sir etuvchi omillar haqida”, Киргизия Вестник Баткентского гос. Универ. Ж. 2008. № 5.
7. R.Musurmonov “Sog‘lom avlod tarbiyasi – jamiyat taraqqiyotining asosi” O‘zMU xabarlar jurnali. – T.: 2011 y. № 1
8. Ўтаев А. Замонавий таълимда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг сиёсий тарбияси. Academic Research in Educational Sciences (SJIF), 2020, № 4, 135-143 б.



INNO SPACE
SJIF Scientific Journal Impact Factor
Impact Factor
7.54

ISSN

INTERNATIONAL
STANDARD
SERIAL
NUMBER
INDIA



INTERNATIONAL JOURNAL OF MULTIDISCIPLINARY RESEARCH IN SCIENCE, ENGINEERING AND TECHNOLOGY

| Mobile No: +91-6381907438 | Whatsapp: +91-6381907438 | ijmrset@gmail.com |

www.ijmrset.com